# AHN тармоғи тўлов қоғозлари учун молиявий ёрдам

Allegheny Health Network (AHN) тармоғи беморларнинг қанча маблағ тўлашидан қатъи назар, уларга зарурий тиббий хизмат кўрсатишни ваъда беради. Ваъдамизни бажариш мақсадида биз кўрсатаётган хизматларимиз учун беморлар молиявий мажбуриятларини бажаришлари учун уларга ёрдам берамиз.

## *Ким ўзининг AHN тармоғи тўлов қоғозлари бўйича молиявий ёрдамга даъвогарлик қилиши мумкин?*

Allegheny Health Network тармоғи қуйидаги беморларга AHN тўлов қоғозлари учун молиявий ёрдам таклиф қилади:

- Суғуртаси бўлмаган ёки чекланган тиббий суғуртага эга бўлганлар
- Medicare ёки Medicaid учун мақбул кўрилмаганлар
- Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ёки Америка Қўшма Штатларининг қонуний доимий резидентлари
- AHN тармоғининг асосий хизматлар ҳудудида яшовчилар
- Ўз молиявий эҳтиёжларини ҳужжатлаштирган шахслар

## *Мен молиявий ёрдам учун даъвогарлик қила олишимни қандай билишим мумкин?*

Ҳар бир бемор AHN тўлов қоғозлари учун молиявий ёрдам олишга ариза топшириши зарур. Ариза топшириш учун:

- Allegheny Health Network тармоғи Молиявий ёрдам учун аризасини (шакл ва кўрсатмалар) қуйидаги веб-сайтлардан юклаб олинг ва чоп қилинг: https://www.ahn.org/ financial-assistance-ahn-bills.
- Шаклни тўлдиринг ва талаб қилинган даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга топширинг.
- Агар шаклни юклаб олиш ёки чоп қилишда қийналаётган бўлсангиз, аризангизни тўлдиришда сизга ёрдам керак бўлса ёки қуйидаги Allegheny General Hospital шифохонаси, Allegheny Valley Hospital шифохонаси, Canonsburg Hospital шифохонаси, Forbes Hospital шифохонаси, Jefferson Hospital шифохонаси, Saint Vincent Hospital шифохонаси, Westfield Memorial Hospital шифохонаси ёки West Penn Hospital шифохоналарига молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилишда сизга кўмаклашиш керак бўлса, 1-844- 801-8400 телефон рақами орқали AHN тармоғи Фуқаролар билан ишлаш марказига қўнғироқ қилинг ёки сизга хизмат кўрсатиладиган AHN тармоғи шифохонасининг қабул бўлимига учранг.
- Allegheny Health Network тармоғи Молиявий ёрдам сиёсати ва аризасининг бепул нусхасини олиш учун қуйида келтирилган манзилга почта орқали сўровнома юборинг:

    Customer Care Center 4
    Allegheny Center, 4th Floor
    Pittsburgh, Pa 15205

AHN тармоғи ҳар бир Молиявий ёрдам бўйича аризани тезкорлик билан кўриб чиқади. Агар батафсил маълумот керак бўлса, AHN тармоғи беморга хат йўллайди.

AHN тармоғига 30 кун ичида қўшимча маълумот етказилиши зарур, акс ҳолда аризага рад жавоби берилади.

Allegheny Health Network тармоғи ўз қарори ҳақида беморга, беморнинг кафилига ёки вакилига ёзма тарзда билдиришнома беради.

**Allegheny Health Network тармоғи Молиявий ёрдам сиёсати**

Allegheny Health Network (AHN) тармоғининг касалхоналари ва шифокорлари беморларимизнинг ҳамда ўзимиз хизмат кўрсатадиган жамоат вакилларининг саломатликларини яхшилашга қарор қилганлар. Бизнинг сиёсатимизда барча беморлар, жумладан, чекланган даромадлари сабаб хизматлар ҳақини тўлашга қийналаётган кишиларга ҳеч бир камситишларсиз тиббий хизматни таклиф қилиш кўрсатиб ўтилган. AHN тармоғи молиявий ёрдамга мақбул кўрилган жисмоний шахсларга кўрсатилган шошилинч ёки бошқа тиббий зарур хизматлари учун ҳақларнинг миқдорини пасайтиради. Бундай шахсларнинг тўловлари жисмоний шахсларга суғурта томонидан қопланадиган суммага нисбатан умумий тариф бўйича ҳисобланадиган (AGB) миқдордан ошмайди. Жамоатчиликнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун AHN тармоғи Молиявий ёрдам дастурини таклиф қилади.

AHN тармоғи молиявий ёрдам дастури 2018 йил 1 январдан кучга кирган Allegheny Health Network тармоғи Молиявий ёрдам ва йиғимлар сиёсатида тўлиқ келтириб ўтилган. Бу сиёсат AHN тармоғи етказиб берувчилари ва у назорат қиладиган филиаллари, жумладан уларда ишловчи шифокорлар учун амал қилади. Қуйида сиёсатни белгилаб берувчи қисқача шарҳ келтирилган:

- Даромадлар бўйича тавсияларга асосан, AHN тармоғи томонидан бериладиган молиявий ёрдамга ким мақбул кўрилади
- Мазкур сиёсат асосида AHN хизматлари нималарни ўз ичига олади ва нималар унга киритилмайди

- AHN тармоғи томонидан бериладиган молиявий ёрдамга беморлар қандай ариза топширишлари мумкин

*Молиявий ёрдам учун кимлар мақбул кўрилади?*

Қуйидаги беморларга молиявий ёрдам кўрсатиш AHN тармоғи сиёсатидир:

- Суғуртаси бўлмаган ёки чекланган тиббий суғуртага эга бўлганлар
- Medicare ёки Medicaid учун мақбул кўрилмаганлар
- Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ёки Америка Қўшма Штатларининг қонуний доимий резидентлари
- AHN тармоғининг асосий хизматлар ҳудудида яшовчилар
- Ўз молиявий эҳтиёжларини ҳужжатлаштирган шахслар

*Молиявий ёрдам учун даромадлар бўйича тавсиялар нималардан иборат?*

Молиявий ёрдам учун даромадлар бўйича тавсиялар энг сўнгги федерал қашшоқлик бўйича йўриқномалардаги даражага нисбатан 100% дан 200% гача миқдорни ташкил қилади. Мазкур ҳужжатнинг орқа тарафида келтирилган жадвалда 2018 йилги федерал қашшоқлик бўйича йўриқномаларга асосланган даромадлар оралиғи кўрсатилган.

## *48 та континентал штатлар ва Колумбия округи учун 2018 йилги Федерал қашшоқлик бўйича йўриқномалар*

| | | **Даромад оралиғи** |
|---|---|---|
| *Уй хўжалигидаги аъзолар сони* | *100%* | *200%* |
| 1 | $12,140.00 | $24,280.00 |
| 2 | $16,460.00 | $32,920.00 |
| 3 | $20,780.00 | $41,560.00 |
| 4 | $25,100.00 | $50,200.00 |
| 5 | $29,420.00 | $58,840.00 |
| 6 | $33,740.00 | $67,480.00 |
| 7 | $38,060.00 | $76,120.00 |
| 8 | $42,380.00 | $84,760.00 |

**Жорий қашшоқлик бўйича йўриқномаларга икки марта асосланади. 8 тадан кўп бор аъзоси оилалар/уй хўжаликлари учун ҳар бир қўшимча шахс учун $4320 қўшинг.*

Westfield Memorial Hospital касалхонаси учун мақбул даромадлар оралиғи Федерал қашшоқлик бўйича йўриқномалар кўрсаткичидан 300% юқори қилиб белгиланган. Тўлиқ оралиқлар жадвали учун Молиявий ёрдам сиёсатининг E-иловаси билан танишиб чиқинг.

## *Молиявий ёрдам учун қандай хизматлар мақбул кўрилади?*

Молиявий ёрдам берилиши мақбул кўрилган беморларга қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- Шошилинч тиббий хизматлар
- Шошилинч тиббий ёрдам бўлимидан алоҳида тарзда кўрсатиладиган, инсон ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатларда кечиктириб бўлмайдиган тиббий зарур (танланмайдиган) хизматлар
- Ҳар бир алоҳида ҳолат учун аниқланадиган бошқа тиббий зарур хизматлар

AHN тармоғи қуйидаги хизматлар учун молиявий ёрдам кўрсатмайди:

- Medicare томонидан “қопланмайдиган” саналувчи хизматлар
- Қуйидагиларни ўз ичига олган, лекин чекланмаган тарзда, тиббий зарур деб ҳисобланмайдиган хизматлар:
  - Косметик хизматлар
  - Сунъий уруғлантириш ёки вазэктомия/тескари вазэктомия каби репродуктив самарали хизматлар
  - Киши аъзоларини кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик ва унга боғлиқ хизматлар
  - Бариатрик (вазнни камайтириш бўйича) жарроҳлик ва унга боғлиқ хизматлар
  - Игна билан даволаш каби қўшимча/муқобил тиббий хизматлар
  - Одатий кўзни текшириш хизматлари
  - Контакт линзалар, эшитиш қурилмалари, кохлеар имплантантлар
  - Бош мияга чуқур таъсир кўрсатиш
  - Зичлиги паст липопротеин афереси
  - AHN тармоғидан бошқа дастурлар томонидан молиялаштириладиган хизматлар ёки ОИВ/ОИТС каби касалликлар учун Ryan White program дастури грантлари

## *AHN тармоғи тўлов қоғозларига молиявий ёрдам олиш учун қандай ҳужжатлар топширишим керак?*

AHN тармоғи тўлов қоғозларига молиявий ёрдам олиш учун ариза топширишда бемор Allegheny Health Network тармоғи молиявий ёрдам сўраш аризасини тўлдириши ва талаб қилинган даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга топшириши талаб этилади. Мазкур ариза ва даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар беморга AHN тармоғи хизматлари кўрсатилган пайтдан бошлаб 240 кун давомида AHN тармоғига топширилиши зарур.

Веб-сайтда келтирилган, https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills молиявий ёрдам сиёсати, содда тилда ёзилган қисқача маълумот ва аризалар қуйидаги тилларга таржима қилинган:

| | | |
|---|---|---|
| немис | • корейс | • француз |
| италян | майтхили | • турк |
| поляк | • урду | • филлипин |
| рус | • ўзбек | • форс |
| украин | • вьетнам | • ҳинд |
| хитой | • испан | |
| япон | • португал | |

## AHN тармоғи беморлари учун молиявий хизматлар

Агар сизда савол туғилса, аризангизни тўлдиришда ёрдам керак бўлса, унинг қоғоз шакли керак бўлса ёки Allegheny Health Network тармоғининг сизга берган тўлов қоғози ёхуд Молиявий ёрдам дастури ҳақида кўпроқ маълумот зарур бўлса, қуйидаги телефон рақамига қўнғироқ қилинг ёки сизга хизмат кўрсатиладиган шифохонанинг рўйхатга олиш бўлимига учранг.

**Allegheny General Hospital шифохонаси**

Мижозлар билан ишлаш маркази 1-844-801-8400

Молиявий маслаҳатчилар:
412-359-4067,412-359-6474,412-359-8076,412-359-5767

Молиявия маслаҳатчи манзили: Биринчи қават Snyder Pavilion павильонидаги амбулатор рўйхатга олиш ёки биринчи қаватдаги Sandusky рўйхатга олиш ҳудуди

Веб-сайт:
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**Allegheny Valley Hospital шифохонаси**

Мижозларга хизмат маркази: 1-800-547-0540

Молиявий маслаҳатчилар 724-226-7478, 724-226-7283
Молиявий маслаҳатчи манзили: Энг қуйи қаватдаги қабул бўлими ёки амбулатор жарроҳлик бўлими кутиш ҳудуди

Веб-сайт:

https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills Шифокор

тўлови: 1-844-801-8400

**Canonsburg Hospital шифохонаси**

Мижозларга хизмат маркази: 1-800-547-0540 Молиявия

маслаҳатчи: 724-873-5948 Молиявия маслаҳатчи

манзили: Биринчи қаватдаги шифокор учун тўлов: 1-844-801-8400 Веб-сайт:
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**Forbes Hospital шифохонаси**

Мижозлар билан ишлаш маркази 1 -844-801-8400

Молиявий маслаҳатчи: 412-858-2325,412-858-2521

Молиявий маслаҳатчи манзили: Биринчи қават веб-сайти
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**Jefferson Hospital шифохонаси**

Мижозларга хизмат маркази: 1-844-801-8400 Молиявий

маслаҳат бериш: 412-469-5366 Молиявий маслаҳатчи

манзили: Бош офис, биринчи қават веб-сайти
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**Saint Vincent Hospital шифохонаси**

Мижозлар билан ишлаш маркази 1 -844-801-8400

Молиявий маслаҳатчи:

814-452-7715,814-452-5338,814-452-5020 Молиявий

маслаҳатчи манзили: Қабул бўлими, биринчи қават веб-

сайти
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**West Penn Hospital шифохонаси**

Мижозлар билан ишлаш маркази 1 -844-801-8400

Молиявий маслаҳатчилар: 412-578-5031,412-578-5032
Молиявий маслаҳатчи манзили Бироинчи қават North Tower минорасидаги қабул бўлими

Веб-сайт:
https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills

**Westfield Memorial Hospital шифохонаси**

Мижозлар билан ишлаш маркази: 1 -844-801-8400

Молиявий маслаҳатчи: 814-452-5338

Рўйхатга олиш манзили: St. Vincent биноси биринчи қаватидаги қабул бўлими

Веб-сайт https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-billsAHN Беморларга молиявий хизматлар кўрсатиш бўлими

®2018 AHN • Тенг имконият тақдим қилувчи иш берувчи • Барча ҳуқуқлар ҳимояланган • 5/18 • HC400378